

БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИФИНИНГ
БҮЙРУГИ

529 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида
учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га
(ЎзР АҚ-92) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1773-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сонли «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 30 январдаги 16-сонли бўйруги (рўйхат рақами 1773, 2008 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 8-9-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидаларга (ЎзР АҚ-92) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 28 сентябрь,
66-н-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Ўзбекистон Республикаси

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш

давлат инспекцияси бошлигининг 2015 йил

28 сентябрдаги 66-н-сон буйруғига

ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш
ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎзР АҚ-92)
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «САТ II-III» деган қисқартма «САТ I-II-II» деган қисқартма билан алмаштирилсин.
2. 116-банднинг «а» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«а) Фарбда ишлаб чиқарилган ҳамда Ил-114-100 ҲКда парвозларни бажараётган учувчилар таркиби учун тренажёр (FFS)да учувчи гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш, минимумнинг берилиши ва берилган минимумнинг тасдиқланиши, УТТДга мувофиқ минимумнинг САТ II-III гача (ИЛ-114-100 ҲК учувчилари учун САТ I гача) камайтирилиши, шунингдек ушбу Қоидаларнинг 136-бандига мувофиқ минимум бўйича қўнишга киришиш ва қўнишларни бажариш бўйича машқлар ва турли кўринишдаги парвозларга тайёргарлик учун СМТда SIM CHECK текширувлари ўтказилади;».
3. 117-баннадаги «Шарқда ишлаб чиқарилган ҲКнинг учувчилар таркибиға берилган минимумни тасдиқлаш УТТДга мувофиқ,» деган сўзлар «Учувчилар таркиби учун мазкур Қоидаларнинг III, IV ва VI бобларида кўрсатилган тренажёр тайёргарлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 136-банднинг «б» кичик бандидан «учиш узокда жойлашган радио маркер РУУРнинг белгиланган чегарасини ўтиш баландлигигача, лекин» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
5. 137 ва 140-бандлар «фарбда ишлаб чиқарилган» деган сўзлардан кейин «ҳамда Ил-114-100» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
6. 143-банд «Фарбда ишлаб чиқарилган» деган сўзлардан кейин «ҳамда Ил-114-100» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
7. 238-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«238. Фарбда ишлаб чиқарилган ҳамда Ил-114-100 ҲК командирлари СМТ (FFS)да тегишли тайёргарликни ўтганидан сўнг, аэроромларда мустакил парвозларга рухсатномани олишлари мумкин. Бунда, ҲКК ушбу аэроромга камида 3 та учиш ва қўнишга киришишни бажариши лозим, СМТ (FFS) эса ушбу аэроромда машқ қилиш учун сертификатлаштирилган бўлиши лозим. Олинган рухсатнома ҲК командири парвоз дафтарчасининг «Аэроромларга ва трассалар бўйича парвозларга рухсат этиш» бўлимида «СМТ (FFS)» қўшимча ёзуви билан расмийлаштирилади.».
8. 248-банднинг «г» кичик бандида:
«Фарбда ишлаб чиқарилган ҲКнинг иккинчи» деган сўзлардан кейин «ва Ил-114-100 ҲК» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«ИЛ-114-100 ҲКлари командирлари учун парвоз машқлари факат аэрором шароитларида ўтказилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 249-бандда:

«е» кичик банд «ҳамда САТ I ёки аввал берилган минимум бўйича қўнишга киришиш билан СМТ ҳажмида тренажер текширувлари (Ил-114-100 ҲКнинг учувчилари учун)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«з» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«з) аэрором шароитларида (ММШда камида олтита қўнишга киришиш ва тўртта қўниш, улардан иккитаси кечаси) ёки ишлаб чиқариш парвозларида (ММШда камида тўртта қўниш, улардан иккитаси кечаси) (Шарқда ишлаб чиқарилган ҲКнинг командирлари учун), икkinchi учувчилари учун эса — иккита парвоз (улардан биттаси кечаси). Бошқа экипаж аъзолари учун (штурман, бортмуҳандис, бортмеханик, бортрадист) — сутка вактидан қатъи назар, мутахассислик бўйича инструктор билан камида иккита қўниш. АН-2 ҲКда парвозларда узилишлар бўлганда машқий парвозлар кечаси бажарилмайди. Авиация-кимёвий ишлардаги парвозларда узилишлар бўлганда ишлаб чиқариш шароитларида 5 та парвоз Командир-учувчилар таркиби назорати остида бажарилади.»;

«и» кичик банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фарбда ишлаб чиқарилган ҳамда Ил-114-100 ҲКларда рейс шароитларидаги (LINE CHECK) парвоз текшируvida ҲКК (CPT) учун — камида тўртта парвоз, икkinchi учувчилар учун эса — камида иккита парвоз.

ММШ мавжуд бўлмаган холда, ҲК бортида йўловчилар бўлмаганда, юк ва йўловчи самолётларида — кўришни тақлид қилиш тизими пардачаларидан, ЎШКТдан фойдаланган холда, шунингдек штатдаги шаффоф бўлмаган пардача орқасида ҚҚБ + 30 метрга teng бўлган баландликкача, ҲК бортида йўловчилар бўлганда эса 200 м дан паст бўлмаган учеб ўтиш баландлигига-ча, эксплуатант томонидан ишлаб чиқилган ва «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тасдиқланган махсус «Услубиёт» бўйича фойдаланиш билан қўнишга киришишларни бажаришга руҳсат этилади.».